



# YOSHLAR OVOZI

## БИЛИМЛИ АВЛОД — БУЮК КЕЛАЖАКНИНГ, ТАДБИРКОР ХАЛҚ — ФАРОВОН ҲАЁТНИНГ, ДЎСТОНА ҲАМКОРЛИК ЭСА ТАРАҚҚИЁТНИНГ КАФОЛАТИДИР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, кадрли ватандошлар!  
Мухтарам меҳмонлар!  
Хонимлар ва жаноблар!  
Сизлар билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллиги муносабати билан мана шу мухташам саройда кўришиб турганимдан мамнунман.  
Барчангизни, бутун халқимизни ушбу кутлуг айём билан чин қалбимдан муборакбод этиб, эзгу тилакларимни изхор қилишга ижозат бергайсиз.  
Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Конституциямиз юртимизда демо-

кратик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.  
Мамлакатимиз 26 йил давомида босиб ўтган гоёт мураккаб ва шарафли йўл Бош қомусимизнинг ҳаётбахш кучи ва улкан салоҳиятидан далолат беради.  
Асосий қонунимиз негизда яратилган Ҳаракатлар стратегияси бутунги кунда жонажон Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда, инновацион ва индустриал ривожланиш сари оқимлашда бекиёе ўрин эгалламоқда.

Халқ билан доимий мулоқотда бўлиш, одамларнинг ташвиш-муаммоларини ҳал этиш, уларни рози қилиш фаолиятимиз мезонига айланмоқда.  
Бошлаган улкан ислохотларимизни самарали амалга оширишда ушбу масалаларнинг аҳамияти кун сайин тобора ортиб бораётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.  
Айнан шу сабабли Бош қонунимизни чуқур ўрганиш, англаш, ҳаётга жорий этиш ва унга сўзсиз амал қилиш — барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

(Давоми 2-саҳифада)

## ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИНГ



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллиги муносабати билан 7 декабрь куни "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт намояндалари, кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Давоми 2-саҳифада

## XALQARO HAMKORLIK

## ҚЎШНИМИЗ, ҚАРДОШМИЗ

Тошкент шаҳрида II Ўзбекистон — Қирғизистон ёшлари форуми бўлиб ўтмоқда

Шу мақсадда биродар халқнинг турли соҳа вакиллари билан шакллантирилган 15 кишилик делегацияси юртимизга ташриф буюрди.  
Форумнинг очилиш маросими Ёшлар марказида бўлиб ўтди. Унда Қирғизистон Республика-

си ҳукуматига қарашли Ёшлар, жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича давлат агентлиги директори ўринбосари Мирлан Парханов, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Алишер Саъдуллаев

ва бошқалар иштирок этди.  
Дастлаб топ доирадаги учрашув доирасида тадбиркорлик, туризм, таълим ва фан соҳаларида икки мамлакат ёшлари учун ягона мулоқот платформасини яратиш, шунингдек, жорий йилда имзоланган англашув Меморандумига мувофиқ истикболли ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.  
Томонлар ёш олимлар, ўқитувчилар, ёшлар ташкилотлари вакилларига ўзаро тажриба алмашиши учун қулай шароит яратиш мақсадида мувофиқлигини қайд этди. Ўзбекистон — Қирғизистон ёшлар туризм марказини ташкил этиш таклифи ҳам илгари сурилди.  
Шундан сўнг қўшни юрт вакиллари учун концерт дастури намойиш этилди. Икки тилда ижро этилган миллий куй-кўшиқлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Шерзод МАХМУДОВ



## ДУНЁ УСТУНЛАРИДАН УСТУН



Нодирбек ЁКУББОВ

Шамсиддин ВОХИДОВ

Нодирбек АБДУСАТТОВ

АХИР, БЕШ НАФАР ЎЗБЕК БОЛАСИ — КОРАКЎЗ, КОРАКОШИМИЗ ШАХМАТ ОЛАМИДА АЛЛАҚАЧОН ЎЗ ЎРНИНИ ЭГАЛЛАБ ОЛГАН РОССИЯ, ХИТОЙ, ХИНДИСТОНДЕК КУЧЛИ ТЕРМА ЖАМОАЛАР АЪЗОЛАРИ, ҚОЛАВЕРСА, ЭРОН, УКРАИНА, ВЕНГРИЯ, ПОЛЬША ВА МОЛДОВАЛИК РАҚИБЛАРИНИ ОРТДА ҚОЛДИРГАНИ ҲАЗИЛАКАМ ГАПМИ?! ЮРТ ИШОНЧИННИ ОҚЛАШ, ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ФИДОЙИЛИК МАНА ШУНДАЙ БЎЛАДИ!

Нуфузли мусобақа якунида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси мавжуд тўққиз очкодан нақ саккизтасини жамғариб, шонли ғалаба билан тарихга кирганини эса, чинакам қаҳрамонлик дейиш мумкин.  
Гарчанд шахмат тахтасида бўл-

са-да, лекин мамлакат шон-шавқатини ўйлаб қилинган ўша мардондор "юртшар"да халқаро гроесмейстер Нодирбек Абдусатторов, халқаро тоифадаги спорт усталари — Нодирбек Ёқуббоев ва Шамсиддин Воҳидовнинг алоҳида хиссаси бор. Охириги икки спортчи 8 ва 7,5 очкодан жамғариб, ўз хисобига биттадан олтин медаль эздирилган ифтихор эмасми?  
Ватанига ёруғ юз билан қайтган Шамсиддин ва Нодирбекларни юрт отаси — мухтарам Президентимизнинг ўзи сийлади. Қуни кеча уларга "Spark" автомобилларининг қалитлари тантанали тарзда топширилди.  
Аслида мол-давлати эмас, балки ақлу заковати билан дунё устунларидан устун келиб, жонажон Ўзбекистонимиз байроғини кўкка кўтарган ёшларга қанча тасанно айтсак кам. Отангизга раҳмат, азизлар! Бахтимизга доим бор бўлинг!

Наргиза УМАРОВА

## ESHITDINGIZMI?

## КОНСТИТУЦИЯ БРАЙЛЬ АЛИФБОСИДА ЧОП ЭТИЛДИ

Янги нашр тақдими Тошкент шаҳар ихтисослаштирилган кўзи ожизлар мактаб-интернатида бўлиб ўтди.  
Тадбирда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги директори вазифасини бажарувчи Комил Алламжонов сўзга чиқиб, йиғилганларни байрам билан қутлади. Кўзи ожизларни ижтимоий химоя қилиш, уларни ўқув адабиётлари билан бекаму кўст таъминлашга доир масалалар хусусида сўз юритилди.  
Таъкидланганидек, шу кунгача юртимизда Брайль алифбосида бор-йўғи 18 номдаги дарслик чоп этилган. Олий ўқув юртлари талабалари учун эса, биронта ҳам йўқ. Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида келгусида агентлик томонидан "Кўнгил кўзи" лойиҳаси



амалга оширилади.  
Тадбир якунида мактаб-интернат ўқувчиларига байрам совгалари улашилди. Мезбонлар тай-

ёрлаган концерт дастури барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Жавлон ВАФОВ

# ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ



(Бошланиши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Давлат махфияти янгради. Президент Шавкат Мирзиёев халқимизни ушбу қутлуг айём билан муборакбод этиб, мамлакатимиз ҳаётининг бир йилда рўй берган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида маъруза қилди.

Мустиқлик йилларида барча соҳаларда амалга оширилаётган ҳаёتبўх шислохотлар, халқимиз турмуш шароити яхшилаётгани, иктисодиётимиз рақобатбардошлиги мустаҳкамланиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи юксалиб бораётгани замирида Асосий қонунимизда белгиланган ҳуқуқий кафолатлар мурассама. Конституцияимизда халқимиз аспрлар давомида орзу қилган миллий истиқлолимиз, жонажон Ватанимизнинг тараққиёт йўли, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлари белгилаб қўйилган.



Президентимиз маърузасида таъкидланганидек, мамлакатимиз мустиқлик йилларида босиб ўтган гоёт мураккаб ва шарафли йўл Бош қомусимизнинг ҳаёتبўхш кучи, улкан салохиятидан далолат беради. Асосий қонунимиз негизда яратилган Ҳаракатлар стратегияси бугунги кунда жонажон Ватанимиз тараққиётини янги босқичга қўтаришда, инновацион ривожланиш сари одимлашда бекиёс ўрин тутмоқда.

Жорий йил халқимиз манфаатларини таъминлаш, тадбиркорларда ташаббускорликни қучайтириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш, ёш авлодин баркамол этиб тарбиялаш борасида тизимли амалий ҳаракатлар даври бўлди. “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёллар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат да-

стури асосида бу борада кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари қабул қилиниб, аҳоли ҳаётини тубдан яхшилашга қаратилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бошланди. Бу халқимиз эртага, узок келажакда эмас, бутун яхши ашашни керак, деган олижаноб гоини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. “Ҳар бир оила — тадбиркор” ҳамда “Ёшлар — келажакимиз” дастурлари доирасида халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича сезиларли ишлар қилинмоқда. Буларнинг барчаси одамларда Ватанимиз тақдирига дахлдорлик, эртанги кунга ишонч туйғусини янада мустаҳкамламоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида эришляётган бундай ўзгаришлар нафақат юртимиз, балки бутун минтақа ҳаётига янги рух олиб кирди.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор тақрорлайман: судьянинг онгида — адолат, тилида — ҳақиқат, дилида — поклик ҳукмрон бўлиши керак. Бу борада Алишер Навоий бобомиз “Зулм қилма, инсофли бўл, халқ учун “адл қасри”, яъни “адолат қўрғонини” бунёд эт”, деб айтган сўзларида қанчалик чуқур маъно бор.

Адолат қўрғони қачон пайдо бўлади? Қачонки суд органлари, судьялар қонунга, одиллик тамойилларига қатъий амал қилиб, ўз вазифасини ҳалол ва виждонан адо этса, бунга эришиш мумкин.

Кейинги икки йилда судлар мустиқликни таъминлаш бўйича ҳам муҳим чоралар қўрилди. Жумладан, жорий йилнинг ўзида 1 минг 881 та жиноят иши далиллар етарли бўлмаганлиги сабабли тугатилди, судлар томонидан 590 нафар шахс оқланди. Ваҳоланки, бу рақам 2016 йилда — эътибор беринг — бор-йўғи 28 тани, 2017 йилда эса 263 тани ташкил этган эди.

Шунингдек, 5 минг 462 нафар шахсга нисбатан терговда асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди, 2 минг 449 нафар шахс эса суд залидан озод қилинди.

Судларда ишларни йиллар давомида қайта-қайта қўриш амалиётини бутунлай чек қўйилди.

Инсонпарварлик тамойили асосида мутлақо янги амалиёт жорий этилмоқда. Бунинг натижасида жиноят йўлига адашиб кириб, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган 993 нафар фуқаро, жумладан, 456 нафар йиғит-қиз ҳамда 113 нафар аёллар Ёшлар иттифоқи, маҳаллалар ва хотин-қизлар қўмиталарининг қафиллиги билан жазодан озод қилинди.

Шу билан бирга, фуқароларимиз тинчлиги, жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, Ички ишлар ва Миллий гвардия қўшинлари бўлимагаринин ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам қатор ижобий ишлар қилинди.

Жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш борасидаги сазъ-ҳаракатларимиз, аввало, кенг жамоатчиликнинг иштироки билан умумий жиноятчиликни 36 фоизга қамайтиришга эришилди. 3 минг 205 та ёки 35 фоиздан зиёд маҳаллада эса биронта ҳам жиноят содир этилмади.

Бундан бун ҳам жамоат тартибини сақлаш ва ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича барча йўналишлар, жумладан, “Ҳавфсиз шахар”, “Ҳавфсиз худуд” лойиҳаларида белгиланган вазифаларни самарали ва тўлиқ амалга ошириш Ички ишлар органлари ва Миллий гвардия фаолиятида энг устувор йўналиш бўлиб қолмоғи лозим.

Конституцияимизда кафолатланган фуқароларнинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида прописка ва виза беришдаги қийинчиликлар бартараф этилди.

Адолат, очиклик ва ошқораликни таъминлаш мақсадида судда ишларни электрон тақсимлаш тизими амалга киритилди. Эндиликда инсон арала-

# БИЛИМЛИ АВЛОД — БУЮК КЕЛАЖАКНИНГ, ТАДБИРКОР ХАЛҚ — ФАРОВОН ҲАЁТНИНГ, ДЎСТОНА ҲАМКОРЛИК ЭСА ТАРАҚҚИЁТНИНГ КАФОЛАТИДИР

(Бошланиши 1-саҳифада)

Азиз юртдошлар!

Инсон кадр-қимматини эъозлаш, бунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтиришга қодир бўлган одил судлов тизимини шакллантириш биз учун ўтган икки йил давомида энг устувор вазифага айланди.

Буюк сохибқирон Амир Темур бобомиз Оксарой пештоқига “Адолат — давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиоридир”, деган ҳикматли сўзларини ёздиргани бежиз эмас, албатта. Ушбу улугвор гоя инсон кадр-қимматини олий даражага қўтариш борасида амалий ҳаракатларимиз пойдевориға айланди.

Шу йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумида дунёдаги таниқли сиёсатчилар, кўза қўрилган олим ва экспертлар томонидан бу борада ўтган қиска даврда амалга оширган ишларимизга муносиб баҳо берилди. Таъкидлаш керакки, ушбу анжуман Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрўси ва нуфузини янада оширди. Энг муҳими, Осиё форуми инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро амалиётга “Самарқанд руҳи” деган тушунча ва тамойилни олиб кирди.

Бугунги кунда юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний ҳимоя қилиш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда. Жумладан, шахсини айб-лашда қонунга зид усулда олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланганлик учун қатъий жавобгарлик белгиланди.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор тақрорлайман: судьянинг онгида — адолат, тилида — ҳақиқат, дилида — поклик ҳукмрон бўлиши керак.

Бу борада Алишер Навоий бобомиз “Зулм қилма, инсофли бўл, халқ учун “адл қасри”, яъни “адолат қўрғонини” бунёд эт”, деб айтган сўзларида қанчалик чуқур маъно бор.

Адолат қўрғони қачон пайдо бўлади? Қачонки суд органлари, судьялар қонунга, одиллик тамойилларига қатъий амал қилиб, ўз вазифасини ҳалол ва виждонан адо этса, бунга эришиш мумкин.

Кейинги икки йилда судлар мустиқликни таъминлаш бўйича ҳам муҳим чоралар қўрилди. Жумладан, жорий йилнинг ўзида 1 минг 881 та жиноят иши далиллар етарли бўлмаганлиги сабабли тугатилди, судлар томонидан 590 нафар шахс оқланди. Ваҳоланки, бу рақам 2016 йилда — эътибор беринг — бор-йўғи 28 тани, 2017 йилда эса 263 тани ташкил этган эди.

Шунингдек, 5 минг 462 нафар шахсга нисбатан терговда асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди, 2 минг 449 нафар шахс эса суд залидан озод қилинди.

Судларда ишларни йиллар давомида қайта-қайта қўриш амалиётини бутунлай чек қўйилди.

Инсонпарварлик тамойили асосида мутлақо янги амалиёт жорий этилмоқда. Бунинг натижасида жиноят йўлига адашиб кириб, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган 993 нафар фуқаро, жумладан, 456 нафар йиғит-қиз ҳамда 113 нафар аёллар Ёшлар иттифоқи, маҳаллалар ва хотин-қизлар қўмиталарининг қафиллиги билан жазодан озод қилинди.

Шу билан бирга, фуқароларимиз тинчлиги, жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, Ички ишлар ва Миллий гвардия қўшинлари бўлимагаринин ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам қатор ижобий ишлар қилинди.

Жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш борасидаги сазъ-ҳаракатларимиз, аввало, кенг жамоатчиликнинг иштироки билан умумий жиноятчиликни 36 фоизга қамайтиришга эришилди. 3 минг 205 та ёки 35 фоиздан зиёд маҳаллада эса биронта ҳам жиноят содир этилмади.

Бундан бун ҳам жамоат тартибини сақлаш ва ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича барча йўналишлар, жумладан, “Ҳавфсиз шахар”, “Ҳавфсиз худуд” лойиҳаларида белгиланган вазифаларни самарали ва тўлиқ амалга ошириш Ички ишлар органлари ва Миллий гвардия фаолиятида энг устувор йўналиш бўлиб қолмоғи лозим.

Конституцияимизда кафолатланган фуқароларнинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида прописка ва виза беришдаги қийинчиликлар бартараф этилди.

шувисиз ишни қайси судья қўришини электрон дастур белгилайди.

Суд-тергов фаолиятида очиклик ва қонунийликни таъминлаш, сарсону овора бўлиш ва ортиқча сарф-ҳаражатга йўл қўймаслик мақсадида “электрон жиноят иши” ва “масофадан қўриб сўрок қилиш” тизимлари ҳам жорий этилмоқда.

Фуқароларимиз ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича олиб бораётган ишлохотларимиз натижасидир.

Буларнинг барчаси инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича олиб бораётган ишлохотларимиз натижасидир.

Айни пайтда суд-ҳуқуқ ишлохотлари жараёнида судьяликка номзодларни танлаш, шахсини ва касбий сифатларини ўрганишининг чинакам демократик ва ошқора тизимини жорий этиш лозим. Ҳусусан, жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда, номзодларни судьялик лавозимига тавсия этиш тартибини қонун билан мустаҳкамлаб қўйишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Муносиб топилган номзодларни қамиди бир йил ўқитиб, тайёр судья сифатида лавозимга тайинлаш тизимини жорий этиш зарур. Бунинг учун Судьялар олий кенгаши қошида Судьялар олий мақтабини ташкил этишни тақлиф қиламан.

Афсуски, айрим судьялар томонидан ҳали ҳам адолатсиз қарорлар қабул қилинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончига путур етказмоқда.

Шу боисдан ҳам, **қасбий маҳорат ва маданиятни ошириш, ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун, адолат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланиб иш қўриш — ҳар бир судьянинг энг устувор вазифаси бўлмоғи лозим.**

Судлар томонидан қабул қилинган ҳар бир қарор, энг аввало, адолатли, қонуний ва асосли бўлиши шарт. Шундагина одамларимизда ҳар қандай ҳолатда ҳам адолат қарор топишига бўлган ишонч янада мустаҳкамланади.

Жорий йилда ҳавфсизлик хизмати идораларининг вазифа ва ваколатларини тўлиқ қайта қўриб чиқилиб, барча даражадаги ходимлар фаолиятига холисона баҳо берилди.

Илк бор “Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, унга асосан давлат манфаатларини ички ва ташқи таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилиш янги тузилган махсус идоранинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Экстремизм ва терроризм ҳавфи, мамлакатимиз конституциявий тузуми ва иктисодиётини таъминлаш мақсадида қоллаётган бугунги таҳдидли замонда Давлат ҳавфсизлик хизматининг мард ва жасур аскар ва офицерлари ҳар қандай бузғунчи қулчарга қарши муроасиз курашиши ва Ватанимиз химоясида мустаҳкам қалқон бўлиши зарур.

Ҳабарингиз бор, яқинда Мудофаа вазирлиги қўшинларнинг кейинги икки йилда мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган кенг қамровли ишларнинг яққол намунаси, десам, тўғри бўлади. Биз бу борадаги ишларимиз қўламини янада кенгайтирган ҳолда, тизимли равишда давом эттирамиз.

Шу билан бирга, фуқароларимиз тинчлиги, жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, Ички ишлар ва Миллий гвардия қўшинлари бўлимагаринин ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам қатор ижобий ишлар қилинди.

Жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш борасидаги сазъ-ҳаракатларимиз, аввало, кенг жамоатчиликнинг иштироки билан умумий жиноятчиликни 36 фоизга қамайтиришга эришилди. 3 минг 205 та ёки 35 фоиздан зиёд маҳаллада эса биронта ҳам жиноят содир этилмади.

Бундан бун ҳам жамоат тартибини сақлаш ва ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича барча йўналишлар, жумладан, “Ҳавфсиз шахар”, “Ҳавфсиз худуд” лойиҳаларида белгиланган вазифаларни самарали ва тўлиқ амалга ошириш Ички ишлар органлари ва Миллий гвардия фаолиятида энг устувор йўналиш бўлиб қолмоғи лозим.

Конституцияимизда кафолатланган фуқароларнинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида прописка ва виза беришдаги қийинчиликлар бартараф этилди.

Дунёдаги 39 та мамлакат фуқаролари виза бериш тартибининг соддалаштирилгани, электрон виза тизими жорий қилингани натижасида юртимизга бу йил қарийб 4 миллион хорижлик сайёҳ ташриф буюрди.

Узок йиллар мамлакатимизда истикомаат қилиб, жамият раванқига муносиб ҳисса қўшиб келаятган ва биз билан ватандош бўлишни орзу қилган 2 минг 528 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролиғига қабул қилинди.

Давлат ва жамият ривожига, халқнинг адолатга бўлган ишончига жиддий путур етказадиган ҳавф — **коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кескин курашиш борасида ҳам аниқ чоралар қўрилганини алоҳида таъкидлаш лозим.**

Мана шундай оғир жиноятни содир этган 1 минг 177 нафар мансабдор шахсининг жиноий жавобгарликка тортилгани бунинг яққол далилидир.

Коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирқанч иллатга муроасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балого қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз.

Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Шунинг учун ҳар бир давлат идорасида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз ички дастурларини бўлиши шарт.

Ҳақон тажрибасига назар ташласак, АКШ, Россия, Буюк Британия, Болгария, Греция, Латвия, Эстония каби қўллаб-қувватлашнинг парламентларида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия ва қўмиталар мавжуд.

Ана шу илгор хорижий тажрибалар ва Конституцияимиз талабларини асосида Олий Мажлис палаталарида Коррупцияга қарши курашиш бўйича қўмиталар ташкил қилиниши тақлиф этаман. Ушбу қўмиталар барча бўғиндаги давлат идораларида коррупцияга қарши курашни янада қучайтиришга вақиллик органи сифатида муносиб ҳисса қўлиши лозим.

Яна бир муҳим масала — халқимизга ҳос бўлган инсонпарварлик ва бағрикентлик тамойилларини асосида жамият ўтаётган шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш тизимини ҳам тақомиллаштириш вақти келди.

Маълумки, Конституцияимизда барча фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқи кафолатланган. Шунини инобатга олган ҳолда, маққум шахсларнинг келгусида ижтимоий ҳаётга мослашуви учун қўмақ бериш мақсадида жазони офисер этиш муаассаларида масофадан туриб таълим олиш тизимини жорий этиш лозим. Шунингдек, озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг сайлаш ҳуқуқини чекловчи нормаларни келгусида халқаро меъёрлар асосида қайта қўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Хурматли ватандошлар!  
**Халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шароит яратиш — Конституцияимизнинг бош мақсади.**

Ишлохот натижасида аҳолининг турмуш даражаси ва реал даромадлари албатта ошиб бормоқда. Шундай бўлса-да, бу борада ҳали Ҳукумат, марказий иктисодий идоралар ҳамда барча даражадаги ҳокимликлар олдида қўллаб-қувватлаш турибди.

Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашининг энг самарали йўли бу — тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Конституцияимизда иктисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенглиги ва давлат томонидан бирдек муҳофаза этилиши кафолатланган. Лекин, иктисодиётда давлат аралашувининг юқорилиги ва бюрократия, солиқ, божхона ҳамда банк тизимидаги мавжуд муаммолар ички инвестицияларни қўлайитиришга ва хорижий сармоядорларни янада кенгрок жалб этишга ҳали ҳам тўсиқ бўлиб келмоқда.

Махшур хитой файласуфи Сун Цзининг ҳикмати бир гапи бор: “Солиқларни ҳаддан зиёд қучайтириш турли талон-тароқликни келтириб чиқаради, душманларнинг бойнишига хизмат қилади, оқибатда, давлат инкирозга учрайди”.

Кўп йиллар давомида солиқ юқорининг юқори бўлгани мамлакатда “хуфийна” иктисодиёт улшининг ортиб кетишига шароит яратди.

Мавжуд вазиятни ҳисобга олиб, биз авваламбор иктисодиётни жадал ривожлантириш, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш учун **Солиқ сиёсатини тақомиллаштириш концепциясини қабул қилдик.** Бу концепция устида биз узок ишладик. Мазкур ҳужжат лойиҳаси мамлакатимиз жамоатчилиги, бизнес ҳамжамияти, халқаро молиявий ташкилотлар, нуфузли экспертлар томонидан кенг ва атрофлича муҳокама қилинди.

Концепция асосида солиқ сиёсатида муҳим ўзгаришлар жорий қилинмоқда. Жумладан, жисмоний шахслар учун хозиргача амал қилиб келган энг юқори 22,5 фоизлик даромад солиғи ставкаси ўрнига 12 фоизлик ставка белгиланди, 8 фоизлик сугурта бадали эса бекор қилинди.

Концепция асосида солиқ сиёсатида муҳим ўзгаришлар жорий қилинмоқда. Жумладан, жисмоний шахслар учун хозиргача амал қилиб келган энг юқори 22,5 фоизлик даромад солиғи ставкаси ўрнига 12 фоизлик ставка белгиланди, 8 фоизлик сугурта бадали эса бекор қилинди.

Бизнес ҳамжамияти учун энг оғир ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов ставкаси илгарини 25 фоиз ўрнига 12 фоиз этиб белгиланди.

Бюджетдан ташқари пенсия, йўл ва таълим бўйича мақсадли жамғармаларга 3,2 фоиз миқдоридида мажбурий тўлов бекор қилинди.

Божхона тўлов ставкаларини қайта қўриб чиқилиб, 3,5 мингта яқин товарлар бўйича бож миқдори ва 800 га яқин товарлар бўйича акциз солиғи ставкаларини қамайтирилди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган махсулотлар учун хомашларга, шунингдек, асбоб-ускуна ва техникаларга нисбатан давлат божини олинмайдиган бўлди.

Тадбиркорлик субъектлари молиявий-ҳўжалик фаолиятини режали текшириш бекор қилинди. 138 та лицензия ва рухсат бериш билан боғлиқ таллаблар соддалаштирилди, уларнинг 42 таси бутунлай тугатилди.

Тадбиркорлик фаолияти учун ер майдонларини ажратишдаги тўсиқ ва гоवरлини бартараф этиш, тизимдаги коррупция ҳолатларини барҳам бериш мақсадида ер майдонларини электрон аукцион орқали ажратиш тартиби жорий этилди.

Мулк эгасига зарарнинг ўрни тўлиқ қопланмагунча давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш ва қўчмас мулкни бузиш тартиби бекор қилинди.

Инвестор ва тадбиркорларга етказилган мулкнинг зарарини тўлиқ қоплаб бериш тартиби кафолатланди.

Шу билан бирга, келгуси йилдан бошлаб тадбиркорларимизни махсулотлар, иш ва хизматларни экспорт қилишда фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан озод этиш назарда тутилмоқда.

Туризмни жадал ривожлантириш, туристларга муносиб инфратузилма яратиш, хизматлар сифатини янада ошириш, худудларнинг туристик салохиятидан умумли фойдаланиш ва янги иш ўринлари ташкил этиш, миллий туризм махсулотларини ишлаб чиқаришни қўлайитириш учун аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар давом эттирилмоқда.

Мехмонхоналарнинг инфратузилмаси, дам олиш масканлари ва бошқа соҳаларни ривожлантириш учун 2 триллион 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Бунинг натижасида минглаб янги иш ўринлари яратиш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларда машҳур бренд мехмонхоналарини ташкил этиш чораларини кўрмоқдамиз.

Келгуси йилда ҳам фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инвесторлар учун кенг шароитлар яратиш бериш, айниқса, инфляция даражасини пасайитиришга қаратилган ишларни давом эттирамиз.

Жумладан, инфляция даражасини прогноз кўрсаткичлари доирасида сақлаб туриш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Биринчидан, биз самарадорлиги паст бўлган ва етарлича янги иш ўринлари ярата олмаётган йирик давлат корхоналарига имтиёзли кредитлар ажратишни қайта қўриб чиқилиш лозим. 2019 йилда кредитлар беришда бюджет ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳаракатлари қўлаймаслиги керак.

TARG'IBOT

# ҲУҚУҚЛАРИМИЗ ТАЯНЧИ

Ёнгин ҳавфсизлиги институтида “Конституция — миллий гуруримиз!” мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда сенатор ва депутатлар, Ички ишлар вазирлиги ходимлари, институт профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари иштирок этди.

Тадбирда Конституцияимиз

(Бошланishi 1-, 2-саҳифаларда)

## БИЛИМЛИ АВЛОД — БУЮК КЕЛАЖАКНИНГ, ТАДБИРКОР ХАЛҚ — ФАРОВОН ҲАЁТНИНГ, ДЎСТОНА ҲАМКОРЛИК ЭСА ТАРАҚҚИЁТНИНГ КАФОЛАТИДИР

Иккинчидан, миллий валютани ҳамда иктисодиёт барқарорлигини таъминлаш учун пул-кредит сис-тема-сини тартибга солишнинг замонавий воситаларини жорий этишимиз зарур.

Учинчидан, асосий турдаги озик-овқат ва бошқа истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчиларни хар томонлама қўллаб-қувватлашимиз ва бу орқали нархлар барқарорлигини таъминлашимиз керак. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Тўртинчидан, стратегик аҳамиятга эга бўлган товарлар бўйича нархларнинг шаклланиш механизми тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни фақат биржа савдолари орқали сотиш, шу асосда эркин рақобат муҳитини яратиш талаб этилади.

Бешинчидан, аҳолининг эҳтиёж-манд катламини иқтисодий химоя қилиш мақсадида электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар учун тўловларнинг бир қисmini давлат томонидан компенсация қилиш чораларини кўришимиз лозим.

Олтинчидан, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган истеъмол товарларини импорти бўйича тарифларни тартибга солишнинг мослашувчан механизми жорий қилиш керак.

Еттинчидан, республикамизнинг иқтисодий аҳволи оғир ҳисобланган 27 та шаҳар ва туманини комплекс ривожлантириш мақсадида, аввало, йирик инвестиция лойиҳаларини ушбу ҳудудларда амалга ошириш зарур.

Очқ айтиш керак: агар биз юртимизда барқарор иқтисодиёт қурмоқчи бўлсак, дунёдаги ривожланган мамлакатлар каби бой ва фаровон яшамокчи бўлсак, чаба-чулпа, юзак эмас, балки қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтишимиз шарт.

Ягона йўлимиз шу. Бу — Асосий қонунимиз талаби. Бошқа йўл йўқ. Биз бошлаган ислохотларимизни қатъий давом эттиришимиз ва улар албатта ўзининг иқтисодий натижасини беради.

Олдинда жуда машаққатли йўл турибди, лекин аҳолининг оғирини енгил қилиш учун давлат томонидан барча чоралар қўрилади.

Ишончим комил, меҳнатсевар, талбиркор ва удабурон халқимиз эркин бозор иқтисодиёти шароитида самарали меҳнат қилишга ва муносиб ҳаёт кечиришга албатта қодир.

Азиз дўстлар!  
Хабарингиз бор, бу йил мамлакатимиз аҳолиси 33 миллион кишидан ошди. Бу, албатта, кичкина рақам эмас.

Шунинг учун ҳам, фуқароларимизнинг иқтисодий ҳуқуқларини рўйбга чиқариш, жумладан, улар учун муносиб шарт яратиш, ишларни ўқитиш ва касбга тайёрлаш, иш ва уй-жойлар билан таъминлаш каби ҳаётий масалаларни ҳал этишимиз лозим.

Конституцияимизда хар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга экани мустахкамлаб қўйилган. Бу муҳим ҳаётий қондан ижросини таъминлаш — халқимиз генотипини асраш ёки оддий қилиб айтганда, давлат ва жамият тараққий-ётининг кафолатидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Юртимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида фуқароларимизнинг ўртача умр кўриш давомчилиги 1990 йилдаги 67 ёшдан 2017 йилда 74 ёшга ташкил этди. Болалар ўлими 3 баробар камайишига эришилди. Биз бу борадаги натижаларимизни янада мустахкамлашимиз зарур.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини янада яхшилаш бўйича муҳим амалий дастурлар қабул қилинмоқда. Мана, кунда Узбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Соғлиқни сақлаш тизимини 2019-2025 йилларда ривожлантириш концепцияси қабул қилинди.

Бугунги куннинг талаби бўлган хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш бўйича ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Қўрилган чоралар туфайли 2018 йилнинг ўзига 400 дан ортиқ хусусий тиббиёт маҳкамлири ташкил этилди.

Биз “Тарбия тўлақандан бошланади”, деган ҳикмати сўзга амал қилиб, таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришларни унинг энг қуйи босқичи — мактабга таълим тизимидан бошладик.

Қиёслаш учун фақат битта мисол келтирмоқчиман. Сўнгги икки йилда юртимизда болалар босқачлари сонини 1 минг 400 тага ортиб, 6 минг 367 тага етди.

Давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилаётган хусусий мактабга таълим масканлари сўнгги бир йилда икки баробар кўпайди ва 568

тани ташкил этмоқда. Яна мингта шундай боғча очиб бўйича амалий ишлар бошланган.

Жорий йилда халқ таълими тизимини ислох қилиш, педагог-ўқитувчилар учун муносиб меҳнат шартинини яратиш бўйича ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Ўқитувчиларнинг иш ҳақи босқичма-босқич кўпайтирилиб, уларни рағбатлантиришнинг янги механизми жорий қилинмоқда.

Таълим тизимининг кейинги босқичи — олий таълим соҳасида ҳам салмоқли ислохотлар олиб борилмоқда.

Сўнгги икки йилда мамлакатимизда 5 та янги олий таълим муассасаси ҳамда 12 та нуфузли хорижий олий ўқув юртининг филиаллари ташкил этилди.

Мамлакатимиз тараққийоти учун истеъдодли кадрларни етакчи хорижий таълим марказларида тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида “Эл-юрт умиди” жамғармаси ташкил этилган хабарингиз бор.

Қандай оғир бўлмасин, тан олишимиз керак, юртимиз равақи учун энг зарур йўналишлар бўйича изланувчан, истеъдодли ёш кадрларни четда, ривожланган давлатларда ўқитишга мажбуримиз. Шунинг учун ҳам Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртилари, мамлакатимиздаги илмий марказлар “Эл-юрт умиди” жамғармаси билан яқин ҳамкорликда самарали иш олиб бориш керак.

Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда халқ билан мулоқотларда билдириладиган тақлифлар асосида келгусида ижтимоий соҳада қуйидаги вазифаларни амалга оширишимиз лозим бўлади.

Биринчидан, Ўзбекистондаги ижтимоий химоя моделини реал талаблар асосида умумэтироф этилган халқаро стандартлар даражасига кўтариш зарур.

Бу борада ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган шахсларни, эҳтиёжманд ва ночор оилаларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларни арзон уйлар билан таъминлаш масаласида алоҳида эътибор қаратиб келаётганимиз барчангизга маълум. Жорий йилнинг ўзига 21 минг 500 дан зиёд ана шундай оила арзон уй-жойлар билан таъминланди.

Бундан ташқари, 30 минг 500 га яқин ногиронлиги бўлган шахсларга умумий қиймати 3,6 миллиард сўмлик протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари ажратилди. Уларнинг 16 минг нафари реабилитация марказларида даволанди ва бу мақсадлар учун қарийб 17 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Ана шундай хайрли ишларимизни келгусида ҳам тизимли равишда давом эттиришимиз лозим.

Конституцияимизда аҳолининг муҳим ижтимоий ҳуқуқи сифатида кафолатланган пенсия таъминоти келгуси йилларда ҳам энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолади. Жумладан, 2019 йилдан бошлаб пенсия тўловининг юқори чегараси энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробарига оширилади ва ишлаётган пенсионерларга пенсиялар тўла микдорда тўланади.

Иккинчидан, тиббиёт ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат шартинини яратиш ҳамда рағбатлантириш тизимини янада тақомиллаштириш зарур.

Шифокорлик касбинини эгаллаш осон иш эмаслигини, бу инсондан машаққатли меҳнат, мустахкамyroда ва матонат талаб этишини ортиқча тушуниришга ҳождат йўқ, деб ўйлайман. Лекин, шу ўринда савол туғилади: биз тиббиёт ходимларига етарли шарт яратиб бердикми? Уларнинг маошлари, меҳнат шартинини қилётган хизматларига муносибми? Афсуски, йўқ.

Жорий йил 1 декабрдан тиббиёт ходимлари ойлигини оширдик, бу — биринчи кадам. Келгуси йилда бу борада бошлаган ишларимизни давом эттиришимиз лозим.

Аҳолига кафолатланган тиббий ёрдам кўрсатиш таъминлаш мақсадида келгусида мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий этишимиз керак.

Учинчидан, халқ таълими соҳасидаги таълим стандартлари ва ўқитиш услубларини илгор хорижий тақриблар асосида, ўқувчининг индивидуал қобилиятини рўйбга чиқариш нуқтани

назаридан қайта кўриб чиқиш лозим.

Фарзандларимизнинг қобилиятини рўйбга чиқаришга болаликдан эътибор бериб, уларнинг камолоти учун барча имкониятларимизни сафарбар этсак, юртимиздан яна қўллаб Берилийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар етишиб чиқади. Мен бунга ишонаман.

Тўртинчидан, касб-хунар коллежлари, афсуски, аксарият ҳолларда реал талаб бўлмаган касблар бўйича куруқ диплом берадиган даргоҳга айланиб қолди.

Мен ҳудудларга ташриф буюрганимда одамлар билан кўпроқ мулоқот қилишга ҳаракат қиламан. Ҳайрон қоласиз, жойларда оддий қурувчи, тракторчи ёки механизатор йўқ. Ишнинг қўзини биладиган ер тузуви ёки сувчи топиш амримаҳол. Кўп жойларда коллежларни битирган болаларни керакли касбга қайта ўқитишга тўғри келмоқда.

Қани, касб тарбияси? Қани, меҳнат бозорини ўрганиш? Афсуски, кеч қим бу масала билан жиддий шугулланмаётми.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан бирга иқтисодиётнинг реал секторидagi талабни қамдади 10-15 йил олдин прогноз қилиб, шунга қараб мутоахасис тайёрлаш чораларини кўриш зарур.

Бешинчидан, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган зарур чоралар кўришимиз лозим.

Савол туғилади: мамлакатимизда ҳақиқий ишсизлар сонини қанча? Иқтисодиётнинг норасмий секторига неча фоиз аҳоли банд? Хорижда иш қидириб кетганларнинг сонини қанча?

Биз бир нарсани тўғри тушунишимиз керак: битта ишсиз одам — ўн та муаммо дегани. Бу муаммолар ишсиз одамнинг ўзини, оиласи ва маҳалласига, жамиятга келтирадиган зарарини ҳисобласак, масаланинг накадар жиддий экани янада ойдинлашади.

Биз бу йил қабул қилган “Хар бир оила — тадбиркор” ҳамда “Ёшлар — келажакимиз” дастурлари доирасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга ўз бизнесини йўлга қўйиш учун қатта имтиёзлар берилди. Келгуси йилда ҳам биз ушбу дастурлар ижросини қатъий назоратга олиб, хар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Биз ёшларимизда тадбиркорлик ташаббусларини ривожлантириш олсак, уларга маблағлардан тўғри фойдаланишни ўргатсак, нафақат иқтисодий, балки қўллаб-қувватлаш муаммоларини ҳам ҳал этган бўламиз.

Олтинчидан, қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар ва шаҳарларда кўп қаватли уйлар қуриш бўйича ишларимизни тақомиллаштириш керак.

Айрим ҳудудларда уйларнинг сифати бўйича Виртуал қабулхонага одамлар шикоят билан мурожаат қилмоқда. Айнан фуқароларимизнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, эҳтиёжманд аҳоли катламлари учун бунёд этилаётган арзон уйлар сонини ошириш ва сифатини яхшилаш бўйича янгида алоҳида дастур қабул қилдик. Ушбу дастур ижросига масъул бўлган мутасадди идоралар ўз зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришлари ва халқимизни рози қилишлари шарт ва зарур.

Хурматли юртдошлар!  
Кейинги икки йилда фуқароларимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини рўйбга чиқариш, турмуш шартинини яхшилаш, йиллар давомида тўплайиб қолган муаммоларни ҳал этишга қаратилган 90 та қонун ҳамда 2 миңдан зиёд фармон ва қарорлар қабул қилдик.

Қабул қилинган қонун ҳужжатларидан белгиланган 13 миңдан ортиқ топшириқларнинг 20 фоизи муқаддимада ижро қилинмаган. Бу Вазирлар Маҳкамаси, қатор давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари раҳбарлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг ишга масъулиятсиз ёндашаётганидан далолат бермоқда.

Биз марказда ва жойларда ортиқча мажлисларни кескин камайтириб, кўпроқ амалий ишлар ва аниқ натижа

билан шугулланшимиз керак. Нега деганда, одамлар куруқ мажлисбозликдан қарчади.

Олиб бораётган ислохотларимиз ва давр талабидан келиб чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини тубдан тақомиллаштириш, уни чинакам ижро ҳокимиятининг олий оринига айлантириш вақти келди, деб ўйлайман.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, чуқур ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳеч қайси мамлакатда осонликча амалга оширилган эмас.

Ислохотлар албатта эскича яшаш, эскича ишлашга ўрганиб қолган айрим мансабдорларга ёқмайди. Буняман очик айтишимиз керак. Чунки ўзгариш, янгиланиш уларнинг тинчи ва оромини, хузур-ҳаловатини бузди. Лекин ҳаёт давом этар экан, ҳаёт талаби бўлган ислохотлар ҳам изчил давом этиши муқаррар. Бу ҳақиқатни ва талабни барча даражадаги раҳбарлар чуқур англаб олишлари зарур.

Қадри ануван иштирокчилар!  
Сизларга яхши маълумки, қонунлар ижроси устидан парламент назоратини ташкил этиш Сенат Раиси ва Қонунчилик палатаси Спикерининг конституциявий ваколати ҳисобланади. Лекин, афсуски, парламентнинг бу соҳадаги фаолиятида тўб ўзгариш сезилмапти. Жумладан, жорий йилда давлат органлари ва мансабдор шахсларга Сенат бор-йўғи 2 та, Қонунчилик палатаси эса 3 та парламент сўрови юборган ҳолда.

“Парламент мажлисларида марказий органлар ва ҳудудлар раҳбарлари ҳисоботларини эшитдик”, деб мактанамиз. Лекин савол туғилади: бундай ҳисоботлар бўлаётган бўлса, уларнинг натижалари бўйича қандай ҳужжатлар қабул қилинди ва ижрога йўналтирилди? Фаолият конакарли бўлмаган қайси давр ёки ҳокимга нисбатан муносабат билдирилди?

Халқ вакилларининг қатъий позиция каярда қолди?  
Мисол учун, қайси сенатор ёки депутат Солиқ сисёати концепцияси ижроси билан қизиқиб, Молия вазирлиги ёки Давлат солиқ қўмитаси раҳбарларига сўров юборди?

Энг асосий камчилик шунки, Олий Мажлис халқ-хануз ҳақиқий баҳс-мунозаралар майдонига айланиши йўқ.

Шу муносабат билан Олий Мажлис палаталарида қонунлар ижросини кўриб чиқиш, раҳбарлар ҳисоботини эшитиш билан чекланмасдан, бевосита жойлардаги аҳолининг тизимли равишда ўрганиш ва тегишли тақлифлар ишлаб чиқиш амалиётини йўлга қўйиш зарур, деб ҳисоблайман.

Яна бир инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат борки, фуқароларда ҳам ислохотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси шаклланиши керак. Ана шундагина қўламан мақсадларга эришиб, олдинкига қўйилган вазифаларнинг тўлиқ улдасидан чиқамиз.

Бу жараёнда қучли ва таъсирчан жамоатчилик назоратининг ўрни бекиёқдир. Шу мақсадда келгуси йилдан бошлаб “Жамоат фикри” порталини ишга туширишга қарор қилдик.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари гоят муҳим ўрни тутди.  
Мен оммавий ахборот воситалари фаолиятини мунтазам кузатиб бо-раман. Лекин, афсуски, ислохотлар моҳияти, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар ижроси билан боғлиқ муаммолар, аҳоли мурожаатлари юзасидан газета, теле ва радиоканалларда танқидий мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар жуда кам.

Ваҳоланки, ислохотлар жараёнида оммавий ахборот воситалари халқ манфаатларининг чинакам ҳимоячиси айланиши лозим. Бунинг учун улардан шикоят, профессионал маҳорат, ҳолисиқ ва чуқур таҳлилчи салоҳият талаб этилади.

Жамиятимиздаги кенг қўламли ислохотлар самарасини таъминлаш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширишимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, Олий Мажлис палаталарини парламент сўровлари ва парламент эшитувлари қонун ва қарорлар ижросини ҳамда ислохотларимиз самардорлигини таъминловчи таъсир-

чан воситага айланиши керак.  
Иккинчидан, депутат ва сенаторларимиз бевосита жойларга чиқиб, аҳолини таъшишга солаётган муаммоларни тизимли равишда чуқур ўрганиб боришлари зарур. Уларни ҳал этиш бўйича Ҳукумат ва ҳокимликлар олдида вазифа қўйиши ва талаб қилиши, шунингдек, қонунчиликни тақомиллаштириш бўйича аниқ чораларни кўришлари айни муддао бўлур эди.

Учинчидан, ўйлайманки, қонуности ҳужжатларини қабул қилиш амалиётини давлат ва тўғридан-тўғри қўлланадиган қонунлар қабул қилиш вақти келди.

Мисол учун, ҳозирги вақтда хорижий инвестициялар соҳасида 8 та қонун, 14 та фармон ва 100 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари мавжуд. Лекин маҳаллада ва чет эллик инвесторларга бизда нечта фармон ёки қарор борлиги эмас, балки уларнинг аниқ ва самарали ишашини учун яқлит тизим мавжудлиги муҳим.

Мен хурматли депутатларимиздан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда шунчаки кузатуви ёки эксперт эмас, балки ташаббусни ўз қўлларига олиб, бевосита лойиҳа ташаббускори ва ижодкори бўлишларини илтимос қиламан. Улардан сайловчилар, халқимиз ҳам шунини кутмоқда.

Бу борада худлик билан ўз аҳамиятини йўқотган қонунлар рўйхатини шакллантиришимиз, амалдаги мавжуд муаммоларни чуқур ва танқидий равишда ўрганиб, энг илгор халқаро тақриблар асосида тўғридан-тўғри амалиётга қўлланадиган қонунлар қабул қилишимиз лозим.

Тўртинчидан, хар бир қонун ёки қарорнинг яратилиши соҳадаги мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил этиш-сини, хорижий илгор тақрибларни ўрганишни, бир сўз билан айтганда, машаққатли меҳнатни талаб этади.

Хар қандай қонун ҳужжатини қабул қилишдан пирувард мақсад — халқимизнинг турмуш шартинини яхшилаш эканини унутмаслигимиз зарур.

Бу жараёнда энг асосий масала — қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳия-тини ижросини ва аҳолига ўз муддатда етказиб бериш, уларни амалга ошириш-сини қатъий таъминлашдан иборат. Бу борада адилия идораларининг ролини янада қучайтириш вақти-соати келди.

Хурматли юртдошлар!  
Хар қандай қонун маълум ҳуқуқ бериш билан бирга, зиммамизга мажбурий ҳам юклайди.

Асосий қонунимиз билан барча фуқаролар зиммасига Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурияти юклатилган.

Жамиятга ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши, аввало, бор, тарбия ва муҳит билан бевосита боғлиқдир.

Биргина мисол. Канаданинг 1 миллиондан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган Калгари шаҳрида жорий йилнинг 10 ойида автохалокатлар туфайли 10 нафар шахс нобуд бўлган.

Ўзини солиштириб кўринг: жами 2 ярим миллиондан зиёд автотранспорт мавжуд бўлган бизнинг юртимизда эса, шу даврда 1 миң 600 дан ортиқ киши автохалокат қурбони бўлган. Бу — оғир қулфат, қатта йўқотиш эмасми?!

Биз йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун жавобгарлиқни қучайтирдик. Лекин шунинг ўзи билан муаммонини тўлиқ ечиш мумкинми? Менимча, йўқ!

Бунинг сабаби жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада шаклланиши билан бевосита боғлиқ.

Биз жамиятимизда ҳуқуқий маданиятнинг лозим даражада шакллантирмас эканмиз, ҳуқуқбузарликча чек қўймас эканмиз, қонунни бузиш ҳолатлари давом эттиради.

Қонунларга ҳурмат одамларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти асосида шаклланади. Яъни, айрим кишилар жазодан қўриқиб қонунга итоат этса, бошқалар болаликда олган тарбиясига кўра қонунни ҳурмат қилмади.

Шу бонс биринчи навбатда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбияни кенг йўлга қўйишимиз лозим.

Олди қилиб айтганда, фарзандларимизга болалик пайтидан “яхшин” ва “ёмон”, “мумкин” ва “мумкин эмас”

деган тушунчалар ўртасидаги фарқни ўргатишимиз, ўзимиз эса уларга доим шахсий намуна бўлишимиз керак.

Албатта, мактабларда “ҳуқуқ” дарслари ўтилади, лекин уларнинг мазмуни юзакли ўқитишдан иборат бўлиб, ҳуқуқнинг тарбиявий аҳамияти иккинчи ўринга тушиб қолгани ҳам сир эмас.

Мутасадди идоралар томонидан амалга оширилаётган қонунчилик тарғиботи ҳам тизимли йўлга қўйилмаган. Шунинг учун ҳуқуқий билимларни, қонунларнинг мазмун-моҳия-тини таълим масканлари, оммавий ахборот воситалари, Интернет ресурсларидан, адабиёт, санъат, диний муассасалар имкониятларидан фойдаланган ҳолда, самарали усуллар билан тарғиб қилишимиз зарур.

Афсуски, биз Асосий қонунимиз ҳақида Конституция байрамига ўн-ўн беш қун қолганда гапирга бошлаймиз. Ҳолбуки, Конституцияни, унинг ғояларини ўрганиш ва ўргатиш барчамизнинг доимий вазифамиз бўлмоғи зарур.

Эсингизда бўлса, бу масала бўйича бундан анча йиллар олдин Олий Мажлис қарори ҳам қабул қилинган эди. Лекин ўтган даврда сисёсий-иқтисодий ўзгаришлар ҳақида кўп нарса ўзгарди. Бинобарин, энди бу қарорни янгиллаш, унга замон руҳини сингдириш зарурати пайдо бўлмоқда.


Бир сўз билан айтганда, Бош қонунимизнинг хар бир моддаси биз учун дастуриламалга, ҳаётимиз қондасига айланиши зарур. Бунинг учун Асосий қонунимизни умумтаълим мактабларида, олий ўқув юртиларида, маҳалла ва меҳнат жамоаларида тизимли равишда ўрганиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишимиз керак.

Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурий эмас, балки қонунлик қоида ва олатга айланиши шарт.

Муҳтаасар қилиб айтганда, фуқароларимиз қонунларни бузишдан қўра, уларга амал қилишдан манфаатдор бўлишлари лозим.

Яна бир фикрга эътиборингизни қаратмоқчиман.

## DOLZARB MAVZU

ЎЗЛИГИМИЗ  
КУШАНДАСИ

Мирҳасан КИЧИБОВ  
Самарқанд тумани

Замонавий дунёда глобаллашув жараёни шиддатли тус олиб, ахборот технологиялари тобора такомиллашгани сайин миллий маданият ва кадрларнинг сақлаб қолиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Ахборот алмашинуви мислсиз тезлашган ҳозирги даврда

ОКЕАН ОРТИДАГИ АЙРИМ "МАРКАЗЛАР" ТУРЛИ ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ҒАРБ ХАЁТИ "ЖОЗИБАЛАРИ"НИ, ЖУМЛАДАН, "ОММАВИЙ МАДАНИЯТ"НИ ИМКОН ҚАДАР КЕНГ ЁЙИШГА ХАРАКАТ ҚИЛМОҚДА. МАКСАД АНИК — ОДАМЛАРНИ ЎЗЛИГИДАН АЙИРИШ, ДУНЁНИ ЯГОНА

ТИЗИМГА СОШИБ, БИТТА ОҚИМ БЎЙЛАБ ХАРАКАТЛАНИШИГА ЭРИШИШ-ДАН ИБОРАТ.

"Оммавий маданият" нико-би остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм ва эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг хисобидан даромад топиш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъаналари, турмуш тарзининг маънавий негизларига бепи-санд муносабатда бўлиб, уларни кўпоришга қаратилган хара-катлар инсоният учун жиддий хавф-хатардир. Башарти, "оммавий маданият" миллатлар ва мамлакатлар келажагига раҳна солар экан, бунга бефарқ қараб бўлмайди, албатта.

Маълумки, ёшлар интернет, хусусан, ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланади. Бир то-

мондан, қувонарли ҳолат. Аммо вазиятни чуқурроқ таҳлил қилайлик. Юртимиз ёшларининг 2 миллиондан ортиги (аксарияти ўсмирлар) "Одноклассники" ижтимоий тармоғида рўйхатдан ўтган. Ушбу веб-ресурс фарзандларимиз онги ва маънавий оламига ижобий таъсир кўрсатади, дейиш кийин. Сабаби унда ахлоқсизликни тарғиб қилувчи маълумотлар кўп, беҳаё мавзулар ҳам урчиған. Ахир,

ВИРТУАЛ МАКОНДА ҚОНУН-ҚОНДА, АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАР ЙЎҚ-ДА. ХАР КИМ ХОҲЛАГАН ИШИНИ ҚИЛИШИ МУМКИН. БУНДАЙ "ЭРКИНЛИК", ТУРГАН ГАПКИ, ЁШЛАРНИ БУЗАДИ, ТЎҒРИ ЙЎЛДАН АДАШТИРИБ, ТУБАНЛИК ИСКАНЖАСИГА УЛОҚТИРАДИ.

Хар қайси миллатнинг шаклланиши ва таракқиётида оила муҳим роль ўйнайди. Шарқ аёллари ҳеч қайси замонда оилада етакчиликка даъвогар бўлмаган. Лекин бу уларнинг кадр-киммати паст, дегани эмас. Аксинча, оиладаги бир-ронта ҳам масала оналаримиз иштирокисиз ҳал бўлмайди. Шу боис

АЁЛЛАРИМИЗ ЎЗЛАРИНИ СИҚИЛГАН ЁКИ ХУҚУҚЛАРИ ЧЕКЛАНГАН ТАРЗДА ХИС ҚИЛМАЙДИ. АММО "ОММАВИЙ МАДАНИЯТ" ТАРҒИБОТЧИЛАРИ ШАРҚДА АЁЛЛАР КАМСИТИЛИШИ, ЭРКАКЛАР БИЛАН ТЕНГ ХУҚУҚЛИ ЭМАСЛИГИ ҲАҚИДА БОНГ УРТАНИ-УРГАН.

Мустақиллигимиз шарофати билан маданиятимизнинг ажралмас қисми — миллий мусика санъати тарғиботида катта эътибор қаратилди. Лекин шу билан бирга, хоржанд менталитетимизга тамомла тескари бўлган реп, рок каси йўналишлар ҳам кириб келди.

УЛАР "ОММАВИЙ МАДАНИЯТ"НИНГ КЎПЛАБ УНСУЛАРИНИ ЎЗИДА МУЖАССАМ ЭТГАННИ ЕТМАГАНДЕК, ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА ҚОРАҚЎЗЛАРИМИЗ МЕХРИНИ ҚОЗОНИБ, "ШАШМАҚОМ" ТУРКУМИДАГИ ҚЎШИҚЛАР, ХАЛҚ АШУЛАЛАРИНО ФОЛЬКЛОР НАМУНАЛАРИДЕК БЕБАҲО ХАЗИНАМИЗНИ СИҚИБ ЧИҚАРМОҚДА.

Бундай ҳолат хавфли, ҳатто ҳалокатли эканини тунан англашимиз зарур. Чунки санъат — илоҳий истеъдод соҳиблари томонидан яратилган маънавий бойлик, мўъжиза! Бирок "оммавий маданият" тарафдорларининг фикрича, санъат асарини ҳар ким яратиши мумкин ва ҳамма нарса санъат, деб аталишига ҳақли.

Бундан чиқди, "оммавий маданият" никобидидаги таҳдидлар исталган кадрларни инкор этади: юксак маънавиятни, ахлоқ ва орзу-мақсадларни менсимайди. Омма маданияти тарафдорлари учун эзуликнинг ўзи йўқ. Мана шундай жиддий хатар билан курашиш шарт ва зарур. Акс ҳолда, ўзлимиздан айрилишимиз ҳеч гап эмас.

## MULOHAZA UCHUN MAVZU

## Миллат ўз маданиятидан озикланади

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Президентимизнинг 2018 йил 28 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳиятини ўрганиш ва уни амалга ошириш бўйича семинар ташкил этилди. Унда мутахассислар, профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар иштирок этиб, юксак маънавий кадрларимиз ва маданий меросимизни асраб-авайлаш ҳамда халқаро майдонда кенг тарғиб этиш зарурати хусусида мулоқот олиб борди.

Тадбирда қарор билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси" ва "2019 – 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича "йўл харитаси" мазмуни атрофида ўрганилди.

— Мазкур концепция юртимизда санъат ва маданият соҳалари ривожига хизмат қилувчи ҳужжатдир, — дейди институт ректори, профессор Иброҳим Йўлдошев. — Ахир, инсон тафаккури ўз халқининг тарихий ва маданий меросини билиш, бадиий ижодиётини англаш асосида бойилади.

Айни вақтда ижодкор ёшлар учун замонавий ўқув адабиётларини яратиш, уларга бебаҳо кадрларининг саналмиш халқ оғзаси ижодиётини пухта ўргатиш, иқтидор соҳибларининг халқаро фестивал ва танловлардаги иштирокисини таъминлаш, хоржандаги етук маданият ва санъат

намоёндаларининг маҳорат дарсларини ташкил этиш ҳам гоёт муҳим аҳамиятга эга.

Хар қайси миллатни олим уламолари, маданият даргалари, санъаткорлар, шоир ва бастакорлари дунёга танитди. Ижодкорлар давлат эътиборида бўлса, муносиб рағбатлантирилса, жамиятда бекиёс маънавий юксалиш рўй бериши тарихда кўп бора исботланган. Биз ҳам шу йўлдан боришимиз. Зотан, ватанпарварларни маданият, адабиёт ва санъат камолга етказди.

— Театр сахнасида яратётган роҳларим билан ёшларга гоҳ ибрат бўлиб, гоҳ ойна тугтиб яшаётганимдан фахрланаман, — дейди 4-курс талабаси, Президент стипендиати Фотиҳ Насимов. — Давлатимиз раҳбари қабул қилган гоёт муҳим қарор ижросини таъминлашдан ҳар биримиз манфаатдоримиз. Халқаро маком ҳамда бахшичилик санъатлари фестивалларининг таъсис этилиши, Мукаррама Турғунбоева, Юнус Ража-


бий номидаги танловларнинг ағъанавий тарзда ўтказилаётгани миллий санъатимизни дунёга олиб чиқиш, янги иқтидорларни кашф этиш имкониятини беришига ишонаман. Рағбат ва эътироф санъаткорга қанот беради. Миллий маданиятимиз раванкига хисса қўшиш биз учун фарз.

— Президент қароридан ҳар йили март ойида "Театр томошалари ҳафталиги" ўтказилиши белгилаб қўйилганидан хурсандман, — дейди "Мард ўғлон" Давлат мукофоти совриндори Одилхўжа Қавомхўжаев. — Чунки мазкур лойиҳа бизга янги асарларимиз — спектакль ва фильмларни томошабинларга тақдим этиш имкониятини яратди. Энг буюк устоз, мураббий — халқнинг ўзи. Ижодкорга баҳони ҳам халқ беради.

Семинарда давлатларро қўшма лойиҳа доирасида Буюк ипак йўлининг мамлакатимиздан ўтган қисмини "Ипак йўли: Зарафшон дарёси воҳаси" ва "Ипак йўли: Фарғона – Сирдарё хавзаси" номи остида ЮНЕСКОнинг Умуҷаҳон маданий мероси рўйхатига, Ўзбек халқининг кўҳна ва бетакор санъати намунаси бўлган Хоразм "Лазги"сини "Хоразм рақси – Лазги" номи остида ЮНЕСКОнинг Инсоният номидий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритишга доир чора-тадбирлар қизгин қўллаб-қувватланди.

Мухбиримиз

## 8-DEKABR — O'ZBEKISTON KONSTITUTSIYASI QABUL QILINGAN KUN



## ЭНГ МУКАММАЛИ

Санъат РАҲИМОВ,  
Самарқанд кишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежи  
директори ўринбосари

Тарихий таракқиётнинг кўрсатишича, ҳар қайси жамият истикболини кўзлаб яшайди ва унинг пойдеворини имкон қадар мустаҳкам қуришга ҳаракат қилади. Шу нуқта назардан, истиклол йилларида биз эришган энг улкан ютуқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиши ва қабул қилиниши бўлди.

Асосий қонунимизнинг яратилиш жараёнига назар ташласак, ўша даврда АКШ, Франция, Канада, Германия, Швеция, Япония, Италия, Испания, Португалия, Греция, Туркия, Эрон, Хиндистон, Покистон, Миср, Венгрия, Болгария, Литва конституциялари чуқур ўрганилиб, қиссий таҳлил этилган. Шунингдек, МДХ таркибидидаги бир қатор давлатлар — Россия Федерацияси, Беларусь, Украина, Қозғистон, Қирғизистон ва Туркменистон Республикаларининг асосий қонунилари ҳам диққат билан кўриб чиқилган.

Аждоғлар меросига ҳам мурожаат қилдик. Ўзбекистон Конституциясини ишлаб чиқишда мутафаккир боболаримизнинг миллий давлатчиликни мустаҳкамлашга доир фикрлари, "Авесто"дан "Темур тузуклари"гача бўлган гоёт қимматли манбаларда илгари сурилган гоёлардан ҳам фойдаланилди. Жумладан, Амир Темур тузукларидаги давлатни идора қилиш-

га доир муҳим қондалар, Бурхониддин Марғиноний, Абу Наср Форобийнинг шу бўйича қарашлари алоҳида эътиборга олинди.

Дунёдаги икки юздан ортик мамлакатнинг фақат 120 тасида конституция мавжуд. Шунчасининг ичда мамлакатимиз Конституцияси жаҳондаги энг мукаммал ҳужжатлардан бири сифатида тан олинган.

Мана йигирма етти йилдирки, Ўзбекистон халқи 8 декабрини шоду хуррамлик билан байрам қилиб келмоқда. Шу сана арафасидаги тантаналарда кўлга киритилган ютуқлар таҳлил қилинади, эртанги кун учун муҳим вазифалар белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллиги арафасида халқимиз бутун куч ва қобилиятини жондан азиз Ватанини янада таракқий эттиришга сарфламоқда. Шубҳа йўқки, Конституция бу ишда барчамиз учун йўлчи юлдуз вазифасида хизмат қилади.

## МУСТАҲКАМ АСОС

Алишер МАҲМАТМУРОДОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Конституция — миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий қафолатларини, инсон ҳуқуқлари, озолик, барқарорлик ҳамда таракқиёт тушунчаларини ўзида муҷассам этган, адолатли ва ҳуқуқий-демократик давлат қуриш истикболларини белгилаб берувчи гоёт муҳим ҳужжат. У нафақат демократик ва либерал нормалардан иборатлиги ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ишлаб чиқилгани, балки икки марта умумхалқ муҳокамасига қўйилиб, қабул қилингани билан ҳам аҳамиятлидир.

Халқимиз фикр-мулоҳазалари асосида бойитилиши ёназига мамлакатимизнинг бош қонунни том маънодаги халқчил Қомусга айланди. Конституциянинг мамлакат ҳаётидаги роли ҳам бекиёс. Ижтимоий ҳаётни тартибга солувчи барча қонуларни бир бутун иморат, деб тасаввур қилсак, Конституциянинг унинг пойдеворини ташкил қилади. Иншоотнинг мустаҳкамлиги, биринчи навбатда, пойдеворга боғлиқ, албатта.

Бош Қомусимизда демократия умуминсоний тамойилларга асосланиши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-киммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга ошириши каби нормалар асосий принциплар сифатида қайд этилган. Шунга қўра, бутун мамлакатимизда "Ислохот ислохот учун эмас, аввало, инсон учун", деган гоёт ҳаётга татбиқ этилмоқда. Конституция-мизда, шунингдек, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар, қолаверса, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмаслиги шартлиги тўғрисида ҳам айтилган.

Конституциявий меъёрлар нафақат давлат тузуми, ҳокимияти ва бошқарувини ташкил этиш тамойилларини, балки ижтимоий ҳаёт тартиб-таомилини ҳам бел-

гилайди. Масалан, Бош Қомусимизнинг 14-бобидан олинган турмуш тарзининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи принцип қондалар ўрин олган. 12-боб эса, жамиятнинг иқтисодий асослари, иқтисодий фаолият эркинлигини қафолатли таъминлаш, мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган.

Шубҳасиз, Конституция барқарор ҳужжат бўлиши керак. Шунга қарамай, у мутлак ўзгармас, қотиб қолган ҳужжат эмас. Асосий қонун ҳаётга мос ва ҳос ривазида, мамлакат таракқиётининг бурчилиш паллалари ва халқ истак-хоҳишларига қараб мўайян тартибда ўзгартириб турилади.

Биз эришган ютуқларнинг энг муҳими — эски тизимдан бутунлай воз кечиб, мамлакатни ислох этиш ва демократлаштириш йўлидан дадил бораётганимиздир. Бу жараён исчил ва қатъий эканини бутунги кунда ҳар бир фуқаро чуқур англаб, хис этиб яшамокда.

Фахр билан айтиш мумкин, ўтган вақт мобайнида Бош Қомусимиз жаҳон конституциявий харитасида ўз ўрнини топди. Унда жаҳон тажрибаси, ютуқлари уйғунлашгани ҳам аҳамиятли жиҳат. Албатта, шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаро Конституцияни билиши, у билан фахрланиши, ҳуқуқий маданиятини тобора юксалтириши даркор. Шунда таракқиёт пиллапоёсида янада юқорига илдамлаймиз.

## MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
MARKAZIY KENGASHI  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va  
axborot agentligida 2017-yil  
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta  
ro'yxatdan o'tgan.

Bosh muharrir  
Karimov Faxriddin Turdaliyevich

## TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov,  
Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyeu,  
Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov,  
Nargiza Umarova – bosh muharrir o'rinbosari  
("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina – bosh muharrir  
o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"),  
Yelena Kalinina – mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

## Dizayner

Abdullayev  
Xurshid  
O'ktamjonovich

## Navbatchi

Boboravshan G'oziddinov

"YOSHLAR OVOZI" dan  
materiallarni ko'chirib bosish  
tahririyat ruxsati bilan amalga  
oshirilishi shart.  
Belgisi bilan tijoriy  
materiallar chop etiladi.



Buyurtma G-1236  
Adadi — 11057



ISSN 2542-0204

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashryot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi,  
A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.  
Konxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203  
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-1236  
Adadi — 11057

Ofset usulida bosilgan.

Bosilishga topshirish vaqti — 21.00  
Toshkent — 02.05  
O'zA yakuni — 01.05